*Адл ила олам юзин обод қил*

# Куч – адолатда

2021 йил
22 октябрь,
жума
№ 43-44 (869)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

***Президент Шавкат Мирзиёев саноат корхоналари фаолияти, ижтимоий лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 21 октябрь куни Жиззах вилоятида бўлди.***

Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.

"Жиззах" эркин иқтисодий зонасида жойлашган "ADM Jizzakh" масъулияти чекланган жамиятида автомобилларни йирик узелли йиғиш ташкил этилди. Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, шу йил март ойида ишга туширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мазкур заводдаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Ушбу илк лойиҳанинг қиймати 12 миллион доллардан зиёд. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 25 минг дона. Завод мультибрендли бўлиб, бу ерда "KIA", "Renault" ва "Lada" русумидаги 10 хил енгил автомобиль йиғилмоқда. Бугунги кунгача ички бозорга 2 мингдан зиёд автомобиллар етказиб берилган. Бу машиналар юқори сифати, замонавий дизайни ва шинамлиги, тежамкорлиги, сервис хизматлари арзонлиги, бошқарув қулайлиги билан харидорларга маъқул келмоқда. Автомобилларга беш йиллик кафолат берилаётир. Корхонада 250 нафар мутахассис ишламоқда.

Давлатимиз раҳбарига лойиҳанинг иккинчи босқичи ҳақида маълумот берилди.

216 миллион долларлик мазкур лойиҳа доирасида кичик узелли ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Яъни, 314 турдаги бутловчи қисмларни ясаш, пайвандлаш, бўяш ва йиғиш йўлга қўйилади. Уни 2023 йилнинг биринчи чорагида ишга тушириш режалаштирилган.

Бунинг натижасида завод қуввати йилига 100 минг донага чиқади. Яна 3 мингта янги иш ўрни пайдо бўлади. Ушбу босқичда маҳаллийлаштириш 30 фоизга етказилиб, йилига 150 миллион долларлик автомобиллар экспорт қилинади. Завод тайёр автомобиль ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, конструкторлик, логистика, кадрлар тайёрлаш соҳаларини қамраб олади.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Ёш авлод вакилларининг, айниқса, қишлоқ ёшларининг билим олиши, илм-фанга эътиборини кучайтириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун янада кенг шароит яратиш доимий эътибор талаб қиладиган устувор вазифалардан биридир.*

24 OKTABR 2021-YIL O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

## Ёшларнинг сайлов ҳуқуқлари: юксак эътиборнинг амалдаги ифодаси



Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини тизимли ва мунтазам амалга ошириш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги, ёшларни илм-фанга кенг жалб қилишга қаратилган Ёшлар академияси ташкил этилди. Навқирон йигит-қизларимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган 830 дан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда.

Ёшлар билан боғлиқ масалаларни парламентда муҳокама қилиш, парламент аъзоларининг ёшлар масалаларига алоҳида эътиборини кучайтириш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳузурида "Ёшлар парламенти" фаолият олиб бормоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, жамият ҳаётининг турли соҳаларида яратилаётган шароитлар, ўз салоҳиятини юзага чиқариши ва ҳаётда ўз ўрнини топишига қаратилган, хусусан, имкон қадар кўп ёшларни олий таълим билан қамраб олиш, иқтидорли ёш мутахассисларнинг нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда билим олиши, ижтимоий муҳофазага муҳтож ёшларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби қатор тадбирлар белгиланган.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Эътироф*

## Ғурур-ифтихоримиз тимсоли

**"Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу интилиш ва ҳаракатларимиз ҳал қилувчи босқичга кўтарилмоқда. Бу йўлда миллий ўзлигимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли бўлган она тилимиз, ҳеч шубҳасиз, беқиёс куч-қудрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади". Бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбек тили байрами муносабати билан мамлакатимиз халқига йўллаган табригидан олинди.**



Давлат раҳбари томонидан 2019 йил 21 октябрда қабул қилинган "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан, ушбу тарихий сана байрам куни деб белгиланган. Бу бежиз эмас, албатта.

Ўзбекистоннинг "Давлат тили тўғрисида"ги қонуни бундан 32 йил олдин, 1989 йил 21 октябрда — Мустақиллигимиз эълон қилинишидан тахминан икки йил илгари қабул қилинган. Юртимизда мустабид тузум ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турган ғоят оғир шароитда халқимизнинг тақдири ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш осон кечмаган.

Ҳақиқатан ҳам, ўша даврда ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, 1989 йили "Давлат тили тўғрисида"ги қонунда акс этган муҳим ҳуқуқий қоидалар кейинчалик, 1992 йилда Мустақиллик Қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида қуйидагича мустаҳкамланди:

"Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади".

Ўзбек тили — Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг мутлақ кўпчилиги бўлмиш ўзбек халқининг она тилидир. У Ўзбекистон бирлиги ва яхлитлиги, жамият жипслигининг муҳим омили ҳам ҳисобланади.

(Давоми 6-бетда) ▶

*Ижтимоий сўров*

## Сайлов – давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа

**2021 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Давлат ва жамият ҳаётидаги ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа истиқболда мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан янада ривожланиши учун устувор аҳамият касб этади.**

"Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2021 йилнинг май-октябрь ойлари давомида жамоатчилик фикри сўровлари, шунингдек, электрон оммавий ахборот воситаларининг мониторинги контент-таҳлилини қамраб олган комплекс социологик тадқиқотлар ўтказди.

(Давоми 5-бетда) ▶

***Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида аниқ манзилли ёндошувга асосланган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланди.***

*Бағрикенглик тамойиллари*

## Инсонпарварлик намунаси

*саккиз нафар шахс муддатидан илгари жазодан озод қилинди*



Бугунги кунда судлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси амалда кафолатли таъминланмоқда. Бунда инсонпарварлик тамойилларига асосланган миллий қонунчилигимиз мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди томонидан турли хил сабаблар билан тўғри йўлдан адашган, жиноий қилмишларга қўл урган бўлса-да, хатосини тушуниб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган 8 нафар фуқарога енгиллик берилди. Ўз навбатида, берилган имкониятдан тўғри фойдаланмасдан жазо ўташ тартибини бузган 4 нафар шахснинг жазоси оғирроғи билан алмаштирилди.

(Давоми 4-бетда) ▶

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***21 октябрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борган ялпи мажлис юқори палатанинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали жонли эфирда намойиш этилди.

Дастлаб сенаторлар мамлакатимиздаги автомобиль йўллари ҳамда сунъий иншоотларнинг ҳолати ва транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга доир қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқдилар.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Қонун ижодкорлиги*

## Халқаро тижорат арбитражи: инвесторлар учун қулай ҳуқуқий муҳит

**Сўнгги йилларда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.**

(Давоми 5-бетда) ▶



*Мезон*

## Шартномавий муносабатлар

*тубдан такомиллаштирилмоқда*




**Мамлакатимизда бизнес фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятта эга. Шунинг учун тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, бу соҳа вакилларига янада кўпроқ эркинликлар бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидаги тўсиқларни бартараф этишга эътибор тобора кучаймоқда.**

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимизнинг 2021 йил 14 сентябрдаги **"Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки ушбу ҳужжатда белгиланган муҳим вазифалар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш, айрим шартномаларни тузишда ўрнатилган сунъий чекловларни олиб ташлаш, шунингдек, шартномавий муносабатларда ахборот тизимларидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

(Давоми 4-бетда) ▶

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Яна бир муҳим томони, бу завод кўплаб кичик корхоналар, хизматлар ташкил топишига туртки бўлади. Масалан, ҳозирданоқ Жиззах шаҳри, Пахтакор ва Шароф Рашидов туманларида бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича 500 миллион долларлик 60 та лойиҳа шакллантирилган. Шунингдек, Америка ва Европа нуфузли инжиниринг компаниялари билан бирга вилоятда тажриба-конструкторлик ва дизайнерлик маркази ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, автомобиллар нархини арзонлаштириш, харидорларга танлов имкониятини кенгайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган ишларнинг бориши билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги қарорига мувофиқ, бу ерда Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига ичимлик суви тизимини яхшилаш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Қиймати қарийб 580 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳа доирасида сув олиш ва тозалаш иншоотлари, "Жиззах" сувни тақсимлаш узели, 183 километр магистрал тармоқлар қурилиши белгиланган.

Мутасаддилар лойиҳа доирасида бажарилган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Бугунги кунда Булунғур туманида, Зарафшон дарёси ёнида 100 минг куб метр сиғимли "Узунбулоқ" сув тозалаш иншооти, насос станцияси, лаборатория, фильтрлаш станцияси ва ёрдамчи бинолар қуриб битказилган. "Узунбулоқ — Гагарин" магистрал тармоғининг Жиззах шаҳригача бўлган 77 километри ётқизилган. "Жиззах" сув тақсимлаш иншооти, 5 минг куб метр сиғимли иккита сув ҳавзаси қурилган. Энди ушбу иншоотлардан Гагарин шаҳригача 90 километр сув тармоғи тортилади.

Ушбу тарихий лойиҳа натижасида Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик ва Мирзачўл туманлари ҳамда Жиззах шаҳридаги 163 та маҳаллада яшовчи 700 минг аҳолига тоза ичимлик суви етиб боради.

Тадбирда жиззахлик нуронийлар, маҳалла фаоллари, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

— Жиззах вилоятида ичимлик суви бўйича вазият оғир эди. Бу сувни жиззахликлар 30 йилдан ортиқ кутди. Мен ҳоким бўлган пайтларда қанча ҳаракат қилганмиз. Лекин лойиҳа ҳам, пул ҳам йўқ эди. Мана, орзуларимиз ушалаяпти. Энди бу тизимнинг ҳар бир иншоотига, ҳар бир тумандан ўтган қисмига малакали мутахассисларни бириктириб, сифатли ишлатиш керак. Ёшларни ахборот технологиялари асосида ишлайдиган бу тизим бўйича ўқитиш ҳам зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Лойиҳани 2022 йилнинг биринчи ярмида якунлаш режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги "Голд Фиш агро" балиқчилик кластери фаолияти билан танишди.

Жиззах вилоятида 220 дан ортиқ балиқчилик хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларда йил якуни билан жами 23 минг тонна балиқ етиштириш мўлжалланмоқда.

Бу йил улар сафига "Голд Фиш агро" масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди. Қиймати 30 миллиард сўмлик ушбу лойиҳа увилдирикларни тайёрлашдан тортиб, балиқ етиштириш, қайта ишлаш, ем ишлаб чиқаришни қамраб олган.

Кластер майдони 43 гектар бўлиб, шундан 4 гектарида интенсив ва ярим интенсив усулда балиқ етиштириш йўлга қўйилган. Сунъий ҳовузларда Хитой технологияси ўрнатилган. Бу доимий сув талаб қилмайди, балки ўзидаги сувни қайта айлантириб ишлайди. Ҳозир ҳар бир сунъий ҳовузда мингтагача сазан боқилмоқда. 2 гектар майдонни эгаллаган сунъий кўлларда эса ярим интенсив усулда балиқ парваришланмоқда.

Умуман, кластер йилига 500 тонна балиқ етиштириш қувватига эга. Шу ернинг ўзида балиқни қайта ишлаш цехи, 800 тонна сиғимли замонавий музлатгичлар ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари балиқ етиштириш жараёнини кўздан кечирди. Бу тажрибани оммалаштириб, аҳолини ҳам жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

— Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш деяпмиз, ҳар бир хонадонда даромад манбаи яратишни ўйлаяпмиз. Мана тайёр лойиҳа. Шундай ҳовузларни етказиб бериб, тартиб-қоидасини ўргатиб, уй шароитида балиқ боқишни кўпайтириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ишлаб чиқарувчиларни хомашё ва айланма маблағ билан таъминлаб, сунъий ҳовузларни кўпроқ тайёрлаш ва жойларга етказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда Жиззах вилоятида узумчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимот қилинди.

Ҳудуд табиати узумчилик учун жуда қулай. Бундан фойдаланиб, Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Шароф Рашидов, Зарбдор ва Янгиобод туманларида 42 та кластер ташкил қилиниб, 50 минг гектар майдонда токзор ва интенсив боғлар барпо этилиши режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Шароф Рашидов туманида узумчилик кластери ташкил этиб, маҳсулотни кўпайтириш, энотуризмни ривожлантириш бўйича топшириқлар берди. Аҳолига ҳосилдор навлар бериб, узумини сотиб олишни йўлга қўйиш орқали беш минг кишининг бандлигини таъминлаш мумкинлиги таъкидланди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
*ЎзА мухбирлари*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қайд этилганидек, Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 29 майдаги қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровига берилган жавобда кўтарилган масалалар ечимига қаратилган муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, кўприк ва йўл ўтказгичлар техник ҳолатини яхшилашга қаратилган ҳукумат қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача автомобиль йўлларини ривожлантириш стратегияси лойиҳаси тайёрланган.

Шунингдек, тегишли ҳужжат асосида "Ўзйўлинспекцияси"га тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл-қурилиш ишлари олиб борилаётган объектларда сифат назоратини оператив ўтказиш ҳамда содир этилаётган қоидабузарликларни ўз вақтида аниқлаш ваколати берилган.

Бироқ парламент сўровида кўтарилган айрим масалалар юзасидан асосли жавоблар тақдим этилмаган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли қарорига илова қилинган "Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифи"да автомобиль йўлини жорий таъмирлаш ишлари бажарилганидан сўнг унинг хизмат қилиш муддатига нисбатан талаб белгиланмагани ва бу ҳол жиддий муаммоларга сабаб бўлаётгани эътиборсиз қолдирилган.

Жавобни муҳокама қилиш жараёнида мазкур сўровда кўтарилмаган бошқа долзарб масалалар ҳам мавжудлиги аниқланди. Хусусан, автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар етарли даражада молиялаштирилмаяпти.

Мажлисда парламент сўровида келтирилган муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасини ривожлантириш учун кўрилаётган чоралар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама этилди.

Сенаторлар парламент сўровига ҳукумат томонидан берилган жавобда муайян ишлар амалга оширилганлигини қайд этди.

Хусусан, қон қуйиш муассасаларида гемаконлар, қон сақлаш ва транспортировка анжомлари билан таъминлаш учун сўнгги беш йилда 15 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Донорлар ва қон захираси ҳақидаги маълумотлар алмашинувини рақамлаштириш мақсадида қон хизмати автоматлашган ахборот тизими яратилган.

Қон компонентларини тайёрловчи асбоб-ускуналарни мунтазам равишда кўрикдан ўтказиб, уларни таъмирловчи мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, мажлисда парламент сўровида кўрсатилган айрим масалалар юзасидан жавоб етарли даражада акс этмагани маълум қилинди.

Жумладан, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини тартибга солувчи қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бўшлиқлар мавжуд ва уларни бартараф этишга қаратилган чоралар кўрилмаган.

Ихтисослашган муассасалар моддий-техника таъминоти ва модернизациялаш, хусусан, ПЗР аппаратлари, гемоцитоферез, плазмаферез, иммуногематологик анализатор ва ИФА-анализатор ҳамда бошқа ускуналар билан жиҳозлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланмаган.

Муҳокама жараёнида қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасини ривожлантиришда амалга оширилаётган чора-тадбирлар парламент доимий назоратида бўлиши қайд этилди.

Ушбу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар коронавирус пандемиясидан кейин туризмни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолати юзасидан илгари юборилган парламент сўровига Вазирлар Маҳкамасининг жавобини кўриб чиқдилар.

Мажлисда ҳукуматнинг парламент сўровига жавоби батафсил муҳокама этилди. Жумладан, сенаторлар Ўзбекистонда туризм соҳасини тиклаш, хорижий туристларнинг маҳаллий туристлар билан алмаштирилишини таъминлаш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этиш, шунингдек, туризм соҳаси учун субсидиялар, ссудалар, грантлар шаклидаги молиявий ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидладилар.

Қайд этилганидек, 23 та туристик ташкилотга 289,2 миллион сўм, барпо этилаётган уч юлдузли 3 та меҳмонхонага 1,2 миллиард сўм субсидия, шунингдек, 37 та туроператорга 370 миллион сўм ва 11 нафар таржимон-гидларга 55 миллион сўм миқдорида грантлар ажратилган. Бундан ташқари, 50 та туроператорга 1,6 миллиард сўм ва 191 та жойлаштириш воситаларига 14,5 миллиард сўм миқдорида фоизсиз ссудалар ажратилди.

Мамлакатдаги бир қатор аэропортларда "очиқ осмон" режимини ўрнатиш, фуқаролари Ўзбекистонга визасиз ташриф буюриши мумкин бўлган мамлакатлар рўйхатини кенгайтириш чоралари кўрилди. Туристлар учун "Uzbekistan/Safe travel GUARANTEED" санитария-эпидемиология хавфсизлиги тизими жорий этилди, илк бор "Fast Track" хизмати йўлга қўйилди.

Ўзбекистон шаҳарлари ўртасида янги авиа ва темир йўл рейсларини йўлга қўйиш чоралари кўрилди. Айрим умумхалқ байрамларини нишонлаш даврида камида уч кунлик дам олиш кунлари беришни назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Сенаторлар амалга оширилган ишлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам борлигини, уларнинг бартараф этилиши эса мамлакатда туризмни тиклаш ва ривожлантиришга ёрдам беришини таъкидладилар.

Хусусан, туризм соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш ва энг аввало, қўшни мамлакатлардан сайёҳлар оқимини кўпайтириш, ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ер ажратишни соддалаштириш, туристик хизматлар сифатини ошириш, янги, истиқболли бозорлар топиш мақсадида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бундан ташқари, хорижий сайёҳлар учун авиачипталар нархини камайтириш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда, бундай чипталар муқобил йўналишларга нисбатан ўртача 30-50 фоизга қиммат туради.

Фаол муҳокама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш устидан қатъий парламент назорати ўрнатилиши белгиланди.

Шундан кейин сенаторлар иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли турар жойларида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласини муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, бугунги кунда республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг жадаллашуви, саноатнинг тезкор ривожланиши, аҳоли сонининг кўпайиши энергияга бўлган талабнинг кескин ошиши ва у 2030 йилга бориб қарийб 2 баробарга ортиши кутилмоқда.

Мажлисда ривожланган давлатларда қайта тикланувчи манбалардан олиниб, ишлаб чиқарилаётган энергия умумий ҳажмининг 30-40 фоизига тўғри келаётган бўлса, республикада ушбу кўрсаткич (қуёш ва шамол энергияси бўйича) атиги 1 фоизни ташкил этаётгани таъкидланди.

"Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, соҳадаги давлат бошқаруви Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилиши қайд этилди.

Шунингдек, энергияга бўлган талабни қондириш мақсадида амалдаги қонунчилик ҳужжатларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасига инновацион технологиялар, илмий-техникавий ишланмаларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг энергия жиҳатидан самарадорлигини ошириш, улар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, энергия ишлаб чиқариш қувватларини яратишга тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикасидаги истеъмолчиларнинг истеъмол қуввати 350 МВтни ташкил этиб, Тахиатош иссиқлик электр станцияси, Туямўйин гидроэлектр станцияси ва Устюрт газ-кимё комплекси томонидан ишлаб чиқиладиган электр энергияси билан таъминланади.

Хусусан, 2021 йил 1 октябрь ҳолатига электр энергияси истеъмолчилари сони 2017 йилга нисбатан 14,5 фоизга ошган, 2030 йилда эса бугунги кундагига нисбатан 2 баробарга ошиши кутилмоқда.

Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикасида бу борада қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2024 йилда Саудия Арабистоннинг "Acwa Power" корхонаси томонидан Қораўзак туманида 100 МВт шамол электр станцияси ишга туширилиши, жорий йилда Қўнғирот туманида қуввати 200 МВт бўлган шамол электр станцияси қурилиши тендерга қўйилиши ҳамда 2030 йилга бориб Қорақалпоғистонда қуввати 1800 МВт станция қурилиши белгиланган.

Мажлисда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ишлаб чиқилиши тўлиқ йўлга қўйилмагани, бу соҳага тадбиркорлик субъектларини жалб этиш ишлари суст экани, қурилмаларнинг ягона электр энергетика тизимига уланишдаги мавжуд муаммолар сабабли қайта тикланувчи энергия манбаларидан иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли турар жойлари, шунингдек, марказлаштирилган энергия таъминоти тизимларидан узоқда жойлашган ҳудудлардаги аҳолини арзон ва қулай электр энергияси билан таъминлаш муаммо бўлиб қолаётгани таъкидланди.

Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан қонунда қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган бир қатор нормалар мавжудлиги, хусусан, унда назарда тутилаётган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари амалдаги бошқа қонунларда белгиланган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига номувофиқлиги қайд этилди.

Масалан, "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси ва "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонуннинг 38-моддасида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари белгиланган. Бироқ ундаги ушбу тоифалар "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунда кўрсатилмаган.

Хусусан, қонунда ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек, кўп болали оилалар ота-оналари, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар, пенсияолди ёшидаги шахслар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар ўз аксини топмаган.

Қонуннинг 12-моддасида тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий корхона мезонларига мос келиши уларнинг солиқ ҳисоботларини ўрганиш орқали солиқ органлари томонидан аниқланиши, 17-моддасида олинган фойданинг камида учдан икки қисми ушбу қисмда белгиланган мақсадлар учун йўналтирилганлиги ижтимоий корхонанинг солиқ ҳисоботларига асосан аниқланиши назарда тутилмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан солиқ ва бошқа ҳисоботлар шакллари тасдиқланган бўлиб, улар орқали тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий корхона мезонларига мос келиши ҳамда олинган фойданинг камида учдан икки қисми белгиланган мақсадлар учун йўналтирилганлигини аниқлашнинг имкони мавжуд эмас.

Бу эса келгусида амалиётда солиқ органлари томонидан ҳисоботларни қабул қилиш, ижтимоий корхоналар реестрига киритиш ёки реестрдан чиқаришда турли хил муаммолар ҳамда номувофиқликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунингдек, қонуннинг 15-моддасида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар иш ҳақи миқдорини қонунчиликка кўра меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш, улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек, иш берувчи сифатида ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлиги, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш ижтимоий корхоналар мажбуриятлари сифатида келтирилган.

Худди шу нормалар "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасида, қолаверса, Меҳнат кодекси ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Шу муносабат билан амалдаги қонунларда мавжуд нормаларни такроран белгилаш қанчалик тўғрилигини ўрганиб чиқиш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш талаб этилади.

Қонуннинг 17-моддасида солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилиши, давлат кўчмас мулк объектларини қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли асосда ижарага бериш, соддалаштирилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари, бепул реклама қилиш учун эфир вақти, нашр ёки реклама майдони ажратиш, давлат буюртмачиларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ижтимоий товарларни реализация қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда бошқа имтиёз ва преференциялар берилиши, 18-моддасида Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий лойиҳаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтарилмайдиган асосда субсидиялаш амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу имтиёз ва преференцияларни белгиловчи нормалар товар ва молия бозорларидаги рақобат муҳитига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, мазкур нормаларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, Президентнинг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, Тадбиркорлик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, ижтимоий тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатларни алоҳида қонун шаклида эмас, балки ишлаб чиқиладиган Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида кўзда тутиш масаласини ўрганиб чиқиш айни муддаодир.

(Давоми 3-бетда) ▶

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

◀ **(Бошланиши 1-2-бетларда)**

Қонун аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларини иш ўринлари, ижтимоий товарлар ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларга қарши курашиш, оқибатларини бартараф этишга қаратилган ижтимоий товарларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда хизматлар кўрсатишни назарда тутганлигини инобатга олиб, уни чуқурроқ қайта таҳлил қилиш, соҳадаги илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш лозим деб топилди.

Юқоридагиларга асосланиб, сенаторлар томонидан "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қонун сенаторлар томонидан рад этилди.

"Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун сенаторлар муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, қонун билан амалдаги Божхона кодексининг 81 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, 70 та моддага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 10 та янги модда билан тўлдирилмоқда ва 1 та модда чиқариб ташланмоқда.

Таклиф этилаётган асосий ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидагилардан иборат:

Божхона назоратини соддалаштириш йўналишида божхона расмийлаштируви муддати 3 кундан 1 кунга қисқартирилмоқда. Товар ва транспорт воситаларини тегишли божхона режимларига жойлаштириш мақсадида талаб этиладиган рухсатномалар бериш тартиби бекор қилинмоқда. Шунингдек, қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган товарлар чиқиш нормасини ваколатли шахслар томонидан белгилашнинг ҳуқуқий асоси белгиланмоқда.

Божхона тўловлари тўланишини соддалаштириш йўналишида эса мамлакатимизга олиб киришда солиқ солишдан озод этиладиган товарлар рўйхати мувофиқлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Божхона кодекси янги моддалар билан тўлдирилмоқда. Хусусан, божхона ва тадбиркорлар ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича янги тизим киритилмоқда.

Қайд этиш лозимки, Божхона органларининг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ 2019 йилда 15 та ва 2020 йилда 29 та низоли ишлар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган бўлиб, бу тадбиркорларнинг турли суд инстанцияларидаги оворагарчилигига сабаб бўлган.

Таклиф этилаётган янги тизим ёрдамида мавжуд низоларни дастлаб божхона органларида ҳал этиш ва бу орқали судда кўрилаётган низоларни ўртача икки бароборга қисқартиришга эришилади.

Қонуннинг қабул қилиниши божхона иши соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартлар миллий қонунчиликка имплементация қилиниши ҳамда Божхона кодексида мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар тўлдирилишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 3 та моддадан иборат.

Қонун билан Президентнинг фарқловчи белгилари, яъни ўз белгиси ва штандарти (байроғи)ни жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Ҳужжатда белги ва штандарт (байроғи) тавсифи, улардан расмий фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши назарда тутилган.

Давлат раҳбарининг фарқловчи белгиларини жорий қилган хорижий мамлакатларда давлат раҳбарининг белгиси ва штандарти янги сайланган Президентга қасамёд қабул қилгандан кейин инаугурация пайтида топширилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ушбу масалалар тартибга солинмагани боис, қонунчиликни тегишли мазмундаги норма билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шундан кейин "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Маълумки, республикамизда амалга оширилаётган янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини изчил давом эттириш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтириш мақсадида Президентнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган. Ўз навбатида, бу борада давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилган. Уларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш эса қўшимча молиялаштириш манбаларини талаб қилмоқда.

Шу мақсадда 2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга давлат мақсадли жамғармалари ҳамда республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари бўйича ўзгартиш киритилмоқда.

Хусусан, инвестиция дастурларига 6 триллион сўм, айрим муассасаларга киритилган қўшимча штат бирликларини молиялаштириш учун 1,4 триллион сўм.

Шунингдек, жорий йилда коронавирусга қарши курашиш тадбирлари учун режалаштирилган 3 триллион сўм маблағ тўлиқ ишлатилганлиги туфайли қўшимча маблағ захирасини яратишга 1,3 триллион сўм ажратилади.

Қонунда давлат-хусусий шериклиги асосида мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар бериш ҳамда болалар қамрови ортганлиги сабабли 1,1 триллион сўм қўшимча субсидия ажратиш, қолаверса, "Янги Андижон" шаҳарчасини барпо этиш ва Андижон вилоятида тадбиркорликни ривожлантиришга 1,3 триллион сўм маблағ йўналтириш назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, қонун билан ушбу қўшимча харажатларни қоплаш манбалари ҳам белгилаб берилмоқда.

Амалга оширилиши режалаштирилаётган ана шу тадбирларнинг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари тақчиллигининг тасдиқланган миқдори доирасида бўлиши ҳам назарда тутилган.

Ушбу қонун ҳам маъқулланди.

Сўнгра "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун кенг муҳокама қилинди.

Қонун билан республикада гўшт маҳсулотлари ва асосий истеъмол маҳсулоти бўлмиш картошкага бўлган талаб ва нархлар барқарорлигини таъминлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Солиқ кодексига қўшимча киритилмоқда.

Хусусан, Солиқ кодексининг 483-моддасига 2021 йил 10 октябрдан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда гўшт (мол, қўй, товуқ), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйиш маҳсулотлари, картошка ҳамда музлатилган балиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, шунингдек, уларни реализация қилишда айланмалар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича қўшимча норма киритилмоқда.

Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, нархларни барқарорлаштириш ва даромадларни оширишга хизмат қилиши ҳисобга олиниб, қонун маъқулланди.

Шундан сўнг ялпи мажлисда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун сенаторлар эътиборига ҳавола этилди.

Мазкур қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари кучайтирилмоқда. Сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолияти ўз аъзоларининг ҳар йиллик аъзолик бадали, шартнома асосида сувни етказиш ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, фойдаланувчилар мажбуриятлари қаторига рақамли технологияларни жорий қилиш шартлиги киритилмоқда.

Шу билан бирга, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналари режимини бузиш тақиқланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчиларининг мажбуриятларига сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга доир ҳар бир лойиҳага давлат бюджетидан ажратилган субсидиялардан камида беш йил самарали фойдаланиш, шунингдек, сувни тежаш имконини берадиган агротехника тадбирларини амалга ошириш шартлиги киритилмоқда.

Сув етказадиган зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш, олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирлари давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар балансидаги объектларда тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан, сув истеъмолчилари балансидаги объектларда эса ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишни жадаллаштириш ва сувдан оқилона фойдаланилиши, сув истеъмолчилари уюшмаларининг сувдан фойдаланишни тартибга солиш бўйича ваколатлари кенгайиши, кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари учун тўловларнинг ўз вақтида ундирилиши ҳамда молиявий ҳолатини яхшилашга, сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда давлат-хусусий шерикчилик тамойилларини жорий қилиш ва давлат бюджети харажатларини камайтиришга ва бошқа натижаларга эришилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Наркологик касалликларга чалинган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама этилди.

Қонун тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари ва экспертлар иштирокида ҳар томонлама ўрганиб чиқилгандан сўнг сенаторлар ҳужжатни тамомила қайта кўриб чиқиш зарур, деган хулосага келди.

Гап шундаки, қонунда "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги қонунга киритилаётган янги "ғайриихтиёрий даволаш" тўғрисидаги норманинг мазмун-моҳияти очиб берилмаган ҳамда мажбурий даволаш тушунчаси билан ўртасидаги фарқли жиҳатлари ёритилмай қолган.

Шунингдек, психоактив моддалар таъсирида мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун мажбурий ва ғайриихтиёрий тарзда даволаш учун алоҳида асослар ва механизмларни ишлаб чиқиш лозим деб топилди.

Бундан ташқари, шахсни ғайриихтиёрий тартибда наркология муассасасига ётқизиш учун судга ариза бериш тартибида ҳам камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, ариза билан судга мурожаат қилинганда давлат божининг тўланиши ёки ундан озод қилиниши, умуман олганда давлат божи ким томонидан тўланишига аниқлик киритилмаган.

Қонунда тартибга солинадиган жамоатчилик муносабатларининг аҳамияти эътиборга олиниб, сенаторлар қонунни қайта кўриб чиқишни, унга комплекс ёндашиб, такомилига етказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладилар ва қонун рад этилди.

Ялпи мажлисда сенаторлар "Музейлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунни ҳам кўриб чиқдилар.

Мажлисда Учинчи ренессанс пойдевори қўйилаётган мамлакатимиздаги аввалги икки уйғониш даври ҳақида маълумотларга эга бўлиш учун ҳам фарзандларимиз, ёшлар, барча аҳолининг музейларга мунтазам боришини йўлга қўйиш ҳамда музейларимиз фондини бойитиб, моддий-техника базасини изчил яхшилаб бориш зарурлиги таъкидланди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: янги қонун қабул қилинишига қандай зарурат бор?

Биринчидан, амалдаги қонунда музейлар томонидан хўжалик фаолиятини амалга ошириш, жумладан, товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари белгиланмаган.

Иккинчидан, ҳозирда давлат музейларига бюджет маблағлари асосан музей фаолиятини сақлаб туриш, қуриш ва таъмирлаш ишлари учунгина ажратилмоқда. Бу эса музейлар ўзлари топган даромадлари кўрсатиладиган хизматларининг сифатини замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мослаштириш имконини бермайди.

Учинчидан, амалдаги "Музейлар тўғрисида"ги қонунда музей ҳудудида унинг ташкил этиш мақсадига зид бўлган ёки музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни тақиқлаш масаласини тартибга солувчи қоида мавжуд эмас.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш, музейлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мослаштириш, уларнинг маҳаллий ташриф буюрувчилар ва туристлар учун жозибадорлигини ошириш учун ҳам ушбу қонунни қабул қилиш зарурати пайдо бўлган.

Таклиф этилаётган ҳужжатда музей ҳудудида унинг ташкил этиш мақсадига зид бўлган ёки музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолият тақиқланиши ҳақида қоида киритилмоқда.

Музейларга таъсис ҳужжатларига мувофиқ даромадларини кўпайтириш мақсадида музей ашёлари ва музей коллекциялари хавфсизлигини таъминлаган ҳолда даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилмоқда.

Музейларга маданий мерос кўчмас мулк объектларидан фойдаланишда устуворлик ҳуқуқини бериш кўзда тутилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар томонидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган давридаги фаолияти юзасидан ҳисоботи муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, қўмита томонидан қонунчилик фаолияти доирасида ҳисобот даврида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари иштирокида ва экспертларни жалб қилган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга киритилган 15 та қонун (2020 йилда 8 та, 2021 йилнинг 9 ойида 7 та) ва 20 та масала дастлабки тарзда кўриб чиқилиб, Сенат ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 14 та тадбир ўтказилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ахбороти 4 марта, мудофаа вазири ҳамда Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси раисининг ахборотлари 1 мартадан, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг ахбороти 1 марта, фавқулодда вазиятлар вазири, Давлат божхона қўмитаси раиси, энергетика вазири ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимининг ахборотлари 1 мартадан эшитилган.

Сенатга келиб тушган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари, жойларда аҳоли билан учрашувлар ва сайёр қабуллар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги (Facebook, Instagramm, Telegramm messenger ва ҳ.к.) мурожаатларда кўтарилган масалалар юзасидан 3 та парламент сўрови юборилган. Уларнинг натижаси қўмита ва Сенатнинг ялпи мажлисида муҳокама қилинган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги Давлат дастурлари ижроси бўйича 4 та вазифанинг бажарилиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномалари ҳамда 2020 йил 20 январдаги Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган 5 та устувор вазифа бажарилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси доирасида Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жиноятлар кўп содир этилган ҳудудлар мониторинг қилиниб, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳолати, жиноятчиликнинг ошиши сабаблари ҳамда бунга шарт-шароит яратаётган омиллар ўрганилиб, мутасадди раҳбарлар ахборотлари эшитилган ва натижалари юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинган.

Натижада Ички ишлар вазирлиги томонидан жиноятчилик сони ортган Андижон шаҳрининг Ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасидан озод этилган.

Мамлакатимизда жиноятларнинг олдини олиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ички ишлар вазири ахборотлари 4 марта эшитилган.

Қонунлар ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинишини ўрганиш фаолияти доирасида 7 та қонунни татбиқ этишга қаратилган қонуности ҳужжатлар қабул қилиниши ҳамда амалда қўлланилиши ҳолати мониторинг қилиниб, натижаси бўйича Сенат Кенгаши қарори қабул қилинган.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш соҳасида қўмита аъзолари томонидан ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 11 926 та (2020 йилда 7 400 та, 2021 йилнинг тўққиз ойида 4 526 та) ёзма мурожаат кўриб чиқилган, шундан 3 407 таси Сенатга келиб тушган мурожаатдир.

Назоратга олиниб юборилган 919 та мурожаатдан 170 таси (18%) ижобий ҳал қилинган. Тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотларга юборилган мурожаатларнинг 722 тасига (78%) ташкилотлар томонидан фуқароларга тушунтириш берилган.

Сайловчиларни ташвишга солаётган муаммоларни чуқур ўрганиш ва улар ечими юзасидан зарур чоралар кўриш мақсадида 1 646 та учрашув ўтказилган.

Қўмита аъзолари томонидан Сенатда ва жойларда жами 6 947 нафар фуқаро қабул қилинган.

Шунингдек, тегишли ҳудуд ва сайловчилар манфаатларига тааллуқли муаммоларни ҳал этиш борасида парламент назоратининг сенатор сўрови шаклидан самарали фойдаланиб, мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 113 та сенатор сўрови юборилган.

Натижада ҳудудларда аҳолини қийнаб келаётган ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси ва йўл қурилиши билан боғлиқ муаммолар ҳал этилган.

Бундан ташқари, сенаторлар ташаббуси билан мамлакатимиздаги ўнлаб маҳаллаларга ичимлик суви ва табиий газ қувурлари тортилган, аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида янги трансформаторлар ўрнатилган ҳамда янги мактаб ва оилавий поликлиникалар қуриб битказилган.

Мажлисда қўмитанинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси соҳасида фойдаланилмаётган имкониятлари мавжудлиги қайд этилди.

Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш, ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини маҳаллий Кенгашларда эшитишда ҳамон расмиятчилик ва юзакиликка йўл қўйилаётганлиги боис ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида маҳаллий Кенгашлар назоратини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, қўмита аъзолари маҳаллий депутатлар ҳамда жойларда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига нисбатан, айниқса, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётган жиноятлар сабабларини ўрганиб олдини олиш, маҳаллий Кенгашларда масъул комиссиялар, идора ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, бандлиги таъминланмаган ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар доимий таҳлилини юритиш орқали бундай ҳолатлар келиб чиқиш сабаблари ва омилларини аниқлаш муҳимлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига имкон яратаётган шарт-шароитларни бартараф этиш борасидаги фаолиятни янада кучайтириш зарур.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-банди ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ойбек Аъзамжонович Баракабаев ва Дониёржон Мухаматжонович Тожибоевни ўн йиллик муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Олий суднинг айрим судьялари бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан лавозимларидан озод этилди.

Ялпи мажлисда 18 та масала, шу жумладан, 8 та қонун муҳокама этилди.

Шуниг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати***

*Бағрикенглик тамойиллари*

# Инсонпарварлик намунаси

## саккиз нафар шахс муддатидан илгари жазодан озод қилинди

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Масалан, Ғ.Азизов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2020 йилнинг 19 сентябрь куни спиртли ичимлик ичган ҳолда, Наманган шаҳридаги тунги клубдан чиқиб, Қ. Оқилованинг автомашинасига йўловчи сифатида ўтирган.

Йўлда кетаётиб, Ғ.Азизов кутилмаганда, Қ.Оқиловага ҳамла қилади, уни уриб-дўпослаб, 680.000 сўмлик телефонини синдириб ташлайди, 3.800.000 сўмлик тилла тақинчоқлари ва 60.000 сўмлик телефонини босқинчилик йўли билан қўлга киритади.

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2020 йил 17 февралдаги ҳукмига кўра, Ғ.Азизов Жиноят кодексининг 164-моддаси 1-қими билан айбдор деб топилган. Унга нисбатан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Ғ.Азизов жазони намунали ўтаб, тартиб-қоидаларни бузмагани сабабли, жиноят ишлари бўйича Зарбдор тумани судининг 2020 йил 29 октябрдаги ажримига кўра, унинг ўталмай қолган 1 йилу 3 ой жазо муддати Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан худди шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилади.

Наманган шаҳар пробация гуруҳи томонидан Ғ.Азизов 2020 йил 25 октябрда рўйхатга олинган ва "Нодир" кўп тармоқли хусусий фирмасида ишлаб, белгиланган вақтда пробация гуруҳи рўйхатидан ўтиб келган. Ғ.Азизов жазони ўташ даврида қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтгани сабабли Наманган шаҳар пробация гуруҳининг тақдимномасига кўра, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди томонидан Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан муддатидан аввал жазодан озод қилинди. Яъни унга ҳаётда тўғри йўлни топиш, ҳалол меҳнати билан оиласини таъминлаш учун имкон берилди.

Халқимизда "Шоли курмаксиз бўлмайди" деган нақл бежиз айтилмаган. Пробация гуруҳида жазо ўтаётганлар орасида жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётганлар ҳам учраб туради.

Масалан, А.Аҳмедов аввал ҳам бир неча марта жиноят содир этган, аммо қилмишидан тўғри хулоса чиқармаган. У 2016 йил 12 апрелда И.Ҳусаиновага, шунингдек, 2016 йил 11 май куни И.Ғойиповга гиёҳвандлик моддаси сотган.

Шундан сўнг тезкор тадбир натижасида А.Аҳмедов қўлга олинган. Унинг хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганда "марихуана" гиёҳвандлик моддаси топилган.

А.Аҳмедов ўзининг бу қилмиши билан Жиноят кодексининг 270-моддаси 2-қисми "а" банди, 273-моддаси 3-қисми "а" банди, 276-моддаси 2-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган. Шу боис унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2016 йилдаги ҳукми билан 7 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

У жазони намунали ўтагани сабабли жиноят ишлари бўйича Оҳангарон тумани судининг 2020 йил 24 февралдаги ажримига асосан, Жиноят кодексининг 74-моддасига кўра, ўталмай қолган 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Аммо А.Аҳмедов ўзига берилган бу имкониятдан оқилона фойдаланмайди. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартибини мунтазам равишда бузганлиги сабабли 2021 йил 22 январда унинг ўталмай қолган 3 йил 5 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди.

Буни қаранки, у жазони ижро этиш муассасасида яна жазони интизомли тарзда ўтайди. Шунинг учун ҳам унга бу гал ҳам имконият берилиб, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2021 йил 1 апрелдаги ажрими билан унинг ўталмай қолган 3 йил 2 ой жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

А.Аҳмедов 2021 йил 19 апрелда Наманган шаҳар пробация гуруҳи томонидан рўйхатга олиниб, унга жазони ўташ тартиби тушунтирилган. У "Гулмир" масъулияти чекланган жамиятига ишга кирган ва жазони ўташни бошлаган.

Аммо у бу ерда ҳам кўп ишламайди. Мунтазам равишда ишга келмаганлиги сабабли 2021 йил 1 июнда ишдан бўшатиб юборилади.

Пробация гуруҳи инспекторининг тушунтириш ва талабларига қарамай, А.Аҳмедов шу тариқа жазони ўташдан бўйин товлаб келган. Шундан сўнг А.Аҳмедовга нисбатан Наманган шаҳар пробация гуруҳи томонидан судга тақдимнома киритилиб, унинг ўталмай қолган 3 йил 1 ой жазосини оғирроқ жазога алмаштириш сўралган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди А.Аҳмедовга нисбатан киритилган тақдимнома кўриб чиқиб, унга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирди.



Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизда акс этган инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари тўғри йўлдан адашган, билиб-билмай жиноят содир этган инсонларга ўз айбини ҳалол меҳнат билан ювиш учун берилаётган имкониятдир. Зеро, жазонинг оғир-енгиллиги эмас, балки муқаррарлиги муҳим аҳамиятга эга.

**Давлатмирза КОМИЛОВ,**
*Наманган вилояти суди судьяси*
**Элёр ПИРМАТОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси*

---

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш ва иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод заҳира кадрларини шакллантиришга, уларни илм-фанга кенг жалб қилиш, иқтидорли ёшларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар "Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури"дан ҳам ўрин олди.

Ўз навбатида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ёшлар — 2030" стратегиясидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишларини белгиловчи Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам салоҳиятли ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш ва давлат фуқаролик хизматига тайёрлаш, меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтёрлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар кўзда тутилган.

Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини юксалтириш бўйича тизимли ишларнинг олиб борилиши уларнинг сайловларда фаол иштирок этишига туртки бериб, ўзлари учун муносиб танловни амалга оширишда қўл келади. Бинобарин, сайлов институтлари, оммавий ахборот воситалари томонидан шакллантириб бориладиган электорал маданият жамият маданиятининг ажралмас бўлагидир.

Ёшларнинг сиёсий онгини юксалтириш, сайлов бўйича барқарор билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган тадбирларда ноанъанавий, янги услубларни қўллаш, ёшлар эътиборини жалб қила оладиган шакллардан фойдаланиш, инновацион ёндашувлар асосида олиб бориш юқори самара беради.

Шу жиҳатларни инобатга олган Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ўқувчи ва талабаларнинг сайлов саводхонлигини ошириш бўйича тадбирларни ўз ичига олган.

Сайлов демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим кўрсаткичи, сиёсий-ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш жараёнидир. Сайловда иштирок этиш сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш орқали давлат ва жамият ишларида сиёсий масъулиятни намоён қилувчи муҳим воқеадир.




---

*Сайлов — 2021*

# Ёшларнинг сайлов ҳуқуқлари: юксак эътиборнинг амалдаги ифодаси



Ёшлар ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи, ҳаётга янги йўналишларни ва технологияларини киритувчи кучдир. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасидаги ёш аҳоли сони кўрсаткичи, ўртача 27,6 ёш билан олдинги ўринда туради. 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 60 фоизини, шулардан сайлов ҳуқуқига эгалари 33 фоизга яқинни ташкил этади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси, қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи эътироф этилган. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Ёшларнинг давлат ва жамият ишларига кенг жалб қилинишига хизмат қилувчи асослардан бири 21 ёшга тўлган йигит-қизлар маҳаллий Кенгашларга, 25 ёшдан эса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиш ҳамда Олий Мажлис Сенати аъзоси бўлиши ҳуқуқи берилганидадир. 2019 йил миллий парламентга бўлиб ўтган сайловларда сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига 30 ёшгача бўлган 14 нафар ёш номзод кўрсатилган бўлса, уларнинг 9 нафари ёки 64,2 фоизи депутат этиб сайланди.

Ёшларни сайлов комиссиялари таркибида фаолият юритишга жалб этиш ҳам юксак самарали воситалардандир. Буни 2019 йилда Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 8,9 фоизини ҳамда участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 18,4 фоизини 30 ёшгача бўлган юртдошларимиз ташкил этганидан ҳам билиш мумкин.

Жорий йилда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркибида 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар 9 фоизни, участка сайлов комиссиялари аъзолари сафида эса 17,3 фоизни ёшлар ташкил этади.

Бу — мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитларни яратиш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Ёшларнинг сайлов институти - сайловларни кузатишдаги фаолияти уларнинг давлат сиёсий ҳаётида иштирок этишининг бир кўринишидир. 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларини кузатиш ҳуқуқига эга. Бундай тажриба сайловга тайёргарлик ишларининг сифати, сайлов комиссиялари ҳаракатларининг кетма-кетлиги, сайлов иштирокчилари ҳуқуқларининг таъминланиши билан шахсан танишиб, келгусида бу соҳани янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашда қўл келади.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилади. 18 ёшга тўлган ёшлар жинсий, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар сайлаш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, дунёнинг турли давлатларида бўлиб турган ватандошларимиз, жумладан, ёшларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ҳам эътибордан четда қолмаган.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, 37 давлатда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 54 та участка сайлов комиссияси тузилди.

Чет давлатларда яшаб турган ёшларимиз Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларига уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловдан камида ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида электрон шаклда мурожаат қилиш имконини берувчи интерактив хизмат ишлаб турибди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча жараёнлари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг сайловолди платформа ҳамда дастурларида белгиланган долзарб соҳалар ҳақида ўз вақтида бохабар бўлиш имкониятлари таъминланмоқда. Бу жараёнларнинг оммавий ахборот воситаларида, шунингдек ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилиши ёш сайловчиларнинг Ватан келажаги учун муҳим қарор қабул қилишига шароит яратади.

Бу каби маълумотларни тезкор равишда хабардор қилиш учун www.saylov.uz сайти янгиланди, "saylov2021.uz" портали, "saylov2021" мобил иловаси ишга туширилди.

Сайлов қонунчилигида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш тартиби ҳам белгиланган. Унга кўра, сайлов комиссиялари, давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракаталари устидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд шикоятни 3 кун ичида, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқади.

Эътиборли томони, суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилиши ҳамда дарҳол ижро этилиши белгиланган.

Ёшларнинг сайлов жараёнларида нафақат сайловчи, балки номзод ёки сайлов институтлари иштирокчиси сифатида қатнашиши, шубҳасиз, бу соҳани батафсил ўрганиш ва унинг аҳамиятини тушуниш, сиёсий қарашларини шакллантириш ва фикр алмашиш, тажриба орттириш ва уни ўз фаолиятида қўллашга хизмат қилади.

**Камола АРСЛОНОВА,**
**Халмухаммед ПАЛУАНИЯЗОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти ходимлари*

---

*Мезон*

# Шартномавий

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Фармонда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

***Биринчидан,*** 2021 йил 1 декабрдан қуйидагиларни бекор қилиш ҳақидаги таклифларга розилик берилди:

- тижорат банкларига етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) учун тўловларни учинчи шахслар ҳисобидан қабул қилишга қўйилган тақиқ;

- давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) тўғрисида тузиладиган шартномаларида мажбурий равишда олдиндан тўловни белгилашга доир талаб;

- қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчилари ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда авансни белгилашга доир талаб.

***Иккинчидан,*** жисмоний шахсларга қарз шартномаларини нотариал тасдиқлаш орқали чет эл валютасида ўзаро қарз бериш ва қайтариб олишга рухсат берилди. Шунингдек, икки ой муддатда қарз шартномасини нотариал тасдиқлаганлик ҳамда қарз шартномасидан келиб чиқадиган пул суммасини ундириш бўйича ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундириладиган давлат божи миқдорини икки бараварга камайтириш белгилаб қўйилди.

Маълумки, ҳаётда чет эл валютасида ўзаро қарз бериш ва қарз олиш ҳолатлари кўп учрайди. Бироқ нотариуслар қарз шартномаларида қарзни фақат миллий валютада ёзишни сўрашади.

Бу, ўз навбатида, қарзни қайтариш вақтида чет эл валютасининг сўмга нисбатан қиймати ўзгарганлиги сабабли, кўплаб низоларга сабаб бўлади. Натижада судларда пул мажбуриятлари бўйича "неустойка" ва фоизларни ундиришга оид низолар кўпайиб бормоқда.

Шу сабабали қарз шартномаларини нотариал тасдиқлаш орқали чет эл валютасида ўзаро қарз бериш ва қайтариб олишга рухсат берилиши, қолаверса, ушбу шартномаларни нотариал тасдиқлаганлик ҳамда қарз шартномасидан келиб чиқадиган пул суммасини ундириш бўйича ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундириладиган давлат божи миқдорининг икки баравар камайтирилиши бу борадаги низолар нисбатан камайишига хизмат қилади.

***Учинчидан,*** 2022 йил 1 январдан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн аукционда сотувга қўйилган мол-мулк уни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан аукцион ғолибига қарзларсиз ва тақиқлар ечилган ҳолда топширилади. Бунда мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари етарли бўлмаганда, қарздорликни тўлаш мажбурияти унинг собиқ эгаси — қарздор зиммасига юклатилади.

Аукционда сотилган мол-мулк аукцион объектининг кўрсатилган техник тавсифларига мос келмаса ҳамда мол-мулк аукционда сотилгунга қадар учинчи шахсларнинг эгалигига ўтиб кетган бўлса ва бу ҳолат аукцион якунланганидан сўнг аниқланса, аукцион ғолиби мулкни қабул қилиб олмасликка ҳақли. Бундай ҳолатда закалат пули аукцион ғолиби мурожаат қилган кундан бошлаб, уч иш куни ичида қайтариб берилиши шарт.

Электрон онлайн аукционда мол-мулкларни реализация қилиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган бир қатор низолар иқтисодий судлар томонидан кўрилади.

Мисол учун даъвогар — "Grand Osiyo" масъулияти чекланган жамияти Зангиота туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар — Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилояти бошқармаси, қўшимча жавобгарлар — "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУК ва "Agro Invest" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан Мажбурий ижро бюроси Тошкент туман бўлими давлат ижрочиси О.Комиловнинг "Grand Osiyo" масъулияти чекланган жамиятига тегишли Тошкент вилояти Тошкент тумани Туркистон қишлоғида жойлашган икки қаватли бино-иншоотларини электрон онлайн-аукционда сотиш учун чиқариш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳамда ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаган ҳолда харидор — "Agro Invest" масъулияти чекланган жамиятидан сотилган мулкларни қайтариб олиб беришни сўраган.

Аниқланишича, давлат ижрочиси томонидан 2020 йил 14 февралда гаровдаги мулкларни электрон онлайн-аукционда сотиш учун чиқариш ҳақидаги қарор қабул қилинган. Гаровдаги икки қаватли бино-иншоотлар 2020 йил 12 мартда ўтказилган аукцион савдоларида талабгор бўлмаганлиги учун сотилмаган.

Ушбу бино ва иншоотлар 2020 йил 31 мартда ўтказилган такрорий аукционда "Agro Invest" масъулияти чекланган жамияти томонидан 10 фоиз арзонлаштирилган нархда 3 022 990 100 сўмга сотиб олинган.

Судда жавобгар, яъни харидор "Agro Invest" масъулияти чекланган жамияти вакиллари ўтказилган аукцион қоидаларига асосан аванс ва бошқа тўловлар амалга оширилганини, мол-мулкни инсофли эгалловчи сифатида сотиб олганлигини маълум қилган. Даъво аризаси асоссиз киритилганини билдириб, уни қаноатлантиришни рад қилишни сўраган.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 229-моддаси иккинчи қисмига кўра, агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди.

*Қонун ижодкорлиги*

# Халқаро тижорат арбитражи:

## инвесторлар учун қулай ҳуқуқий муҳит

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида гап борганда, нуфузли, малакали арбитраж давлатнинг халқаро ишбилармонлик муҳитида обрўли қиёфасини шакллантириш, нуфузини мустаҳкамлашнинг муҳим асоси эканини таъкидлаш жоиз. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётни барқарорлаштиришга, шу жумладан, қулай инвестиция муҳитини яратишга хизмат қилади.

Шу маънода, чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг юқори даражада ҳимоялангани уларнинг инвестиция киритиш бўйича фаоллиги ошишининг асосий мезонидир.

Арбитраж жараёнининг мослашувчанлиги, тижорат сирлари ва ишбилармонлик обрўсининг максимал даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш учун махфийлик кафолатлари, арбитр сифатида малакали мутахассисларни танлаш имконияти — буларнинг барчаси халқаро тижорат арбитражини инвесторлар ва халқаро савдо субъектлари учун низоларни ҳал қилишнинг жозибали усулига айлантиради.

Низоларни халқаро арбитраж орқали ҳал этиш томонларга ўзларининг низоларини шахсий, махфий, иқтисодий ва вақтни тежаш йўли билан ўзлари танлаган бетараф суд олдида ҳал қилиш имкониятини беради. Шу сабабли бутун дунёда халқаро арбитраж халқаро савдо, тижорат ва инвестицияларнинг деярли барча соҳаларида ишбилармон шериклар ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг мақбул усулига айланди.

Шу муносабат билан ЮНСИТРАЛ Халқаро савдо арбитражи тўғрисидаги Намунавий қонун асосида, шунингдек, арбитраж муҳокамаси соҳасида жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда, жорий йилда мамлакатимизда "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун қабул қилинганга қадар, ***биринчидан,*** Ўзбекистон ҳудудида халқаро арбитраж фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги низоларни ҳал этиш учун хорижий давлатлар ҳудудида жойлашган халқаро арбитражларга мурожаат қилишга мажбур бўлаётган хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари сарф-харажатларининг ошишига олиб келган;

***иккинчидан,*** амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан, **"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонун томонларнинг инвестициялар билан боғлиқ низоларини халқаро арбитраж соҳасидаги стандартларга мувофиқ, хорижий арбитрларни жалб этган ҳамда хорижий ҳуқуқни қўллаган ҳолда кўриб чиқиш имконини бермаган;

***учинчидан,*** маҳаллий арбитрлар ва халқаро арбитраж соҳасидаги бошқа мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти тизимли йўлга қўйилмаган эди.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни бартараф этишга қаратилган ушбу қонунда арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш, уни тан олиш ва ижрога қаратишга оид нормалар аниқ белгилаб қўйилди.



Халқаро ҳуқуқ нормалари ва аксарият хорижий давлатлар, шу жумладан, Аргентина, Буюк Британия, Германия, Канада, Россия, Сингапур, Хитой каби мамлакатлар қонунларида белгиланганидек, мазкур қонунда ҳам арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза унинг устидан шикоят қилишнинг ягона воситаси сифатида эътироф этилган.

Арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан судга шикоят қилиш ариза бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, агар халқаро арбитраж Тошкент шаҳрида жойлашган бўлса, арбитражнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза Тошкент шаҳар судига берилади.

Арбитражнинг ҳал қилув қарори тегишли тараф томонидан ихтиёрий тарзда ижро қилинади. Шунингдек, 1958 йилдаги "Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида"ги Нью-Йорк конвенциясига мувофиқ, мазкур қарор қайси мамлакатда чиқарилганидан қатъи назар, ундирувчи томонидан ваколатли судга ёзма илтимосномa берилган тақдирда арбитражнинг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва мажбурий ижрога қаратиш мумкин.

Конвенция қабул қилинганига олтмиш йилдан ошди. Ҳозирги кунда уни дунёнинг 166 давлати қабул қилган.

Конвенцияда назарда тутилган механизмлар Конвенциядан кейин қабул қилинган кўпгина мамлакатларнинг миллий қонун ҳужжатларида эътироф этилган. Шу жумладан, бу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонуни, Фуқаролик процессуал кодекси (42-боб) ва Иқтисодий процессуал кодексида (33-боб) ҳам ўз ифодасини топган.

Жумладан, мамлакатимиз Иқтисодий процессуал кодексининг 33-бобида чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни юритишга оид нормалар мустаҳкамланган. Бу "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун нормаларига мос келади.

Шу билан бирга, айни пайтда Олий суд томонидан манфаатдор идоралар, экспертлар билан ҳамкорликда **"Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**-ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Маълумки, "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун билан иқтисодий суд ваколатига 9 тоифадаги аризаларни кўриб чиқиш тартиби киритилган.

Шу муносабат билан қонун лойиҳасига асосан Иқтисодий процессуал кодексида иқтисодий судлар томонидан кўриладиган арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар рўйхати белгиланиб, улар жумласига қуйидагилар киритилмоқда:

- арбитрни тайинлаш, арбитрни рад этиш ёхуд унинг ваколатлари амал қилишини тугатиш ёки арбитраж суди юрисдикцияси масаласи юзасидан қарор қабул қилиш тўғрисидаги ишлар (тарафлар арбитр шахси ёки арбитраж судининг ваколатлари бўйича келишувга эришмаганда қўзғатилади);
- далилларни олишга кўмаклашиш, даъвони таъминлаш чорасини кўриш ёки уни ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар (арбитраж суди фаолиятига кўмаклашиш зарур бўлганда қўзғатилади);
- арбитраж ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки арбитраж ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар (тарафлар арбитраж қароридан норози бўлганда ёки ушбу қарор ихтиёрий равишда ижро этилмаганда қўзғатилади).

Арбитраж муҳокамасида ҳар доим бир тараф хорижий давлат резиденти бўлиши ҳамда чет элликлар билан боғлиқ ишларни кўриш учун муайян тажрибага эга бўлиши зарурлигини инобатга олиш лозим. Шу негизда қонун лойиҳасида арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар вилоят даражасидаги судлар — Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан кўрилишини белгилаш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодексга судлар томонидан арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўриш тартибини белгиловчи алоҳида боб киритиш кўзда тутилмоқда. Унга кўра:

- иқтисодий суд томонидан кўриладиган арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларнинг аксарияти арбитраж суди фаолиятига тааллуқли бўлганлиги сабабли манфаатдор шахслар аризаларни арбитраж жойлашган жойдаги иқтисодий судга тақдим этиши;
- арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар ариза судга келиб тушган кундан эътиборан 20 кунлик, даъвони таъминлаш чораси билан боғлиқ ишлар эса, 1 кунлик муддатда кўриб чиқилиши;
- арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар (арбитраж ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки уни ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлардан ташқари) судья томонидан якка тартибда, суд муҳокамасини ўтказмасдан, арбитраж муҳокамаси тарафларини чақирмасдан кўриб чиқилиши;
- арбитрни тайинлаш, рад этиш ёки унинг ваколатлари амал қилишини тугатиш, арбитраж суди юрисдикциясини аниқлаш ёки унга далилларни олишга кўмаклашиш билан боғлиқ ишлар арбитраж судига кўмаклашиш мақсадида қўзғатилганлигини инобатга олиб, улар бўйича иқтисодий суднинг ажрими устидан шикоят қилинмаслиги;
- даъвони таъминлаш чораси, арбитраж ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки уни ижрога қаратиш билан боғлиқ ишлар тарафлар манфаатларига бевосита таъсир қилишини инобатга олиб, улар бўйича иқтисодий суднинг қарори устидан шикоят қилиш мумкинлиги белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси билан "Давлат божи тўғрисида"ги қонунга арбитраж ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари (540 минг сўм) миқдорида давлат божи тўланиши тўғрисидаги қоида киритилмоқда.

Арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ бошқа тоифадаги ишлар, яъни арбитрни тайинлаш, рад этиш ва бошқалар арбитраж судига кўмаклашиш мақсадида қўзғатилиши сабабли улар бўйича давлат божи ундирилмаслиги таклиф қилинмоқда.

Бунда ушбу нормаларни процессул кодексда атрофлича тартибга солиш, судьяларнинг бу борадаги билим ва малакасини ошириб бориш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилиши, арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўришнинг техник-методик базасини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, қонун лойиҳаси арбитражлар фаолияти учун зарур бўлган давлат судлари билан ҳамкорлик механизмларини жорий этишга, тарафлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг манфаатлари самарали ҳимоя этилишини таъминлашга ҳамда қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

**Шербек НАЗАРОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлим бошлиғи*

---

*Ижтимоий сўров*

# Сайлов – давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Сайлов жараёнини социологик тадқиқ этиш ва жамоатчилик фикри сўровларини ўтказиш "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Уларнинг мақсади фуқароларнинг электорал хулқ-атвори ва сиёсий мойилликларидаги асосий тенденцияларни, аҳолининг бўлажак сайловларда иштирок этишга тайёрлик даражасини, шунингдек, сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳақида сайловчиларнинг тасаввурларини аниқлаш ҳисобланади.

Мамлакат фуқаролари электорал сайловининг ўзига хос хусусиятлари ва механизмларини ўрганиш давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланиши учун алоҳида аҳамият касб этади. Электорал тадқиқотлар натижалари нафақат манфаатдор сиёсий кучлар учун, балки ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари учун; сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ишловчи қонун чиқарувчилар учун; сайловларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солишда сайлов комиссиялари учун ҳам қимматли ахборот-таҳлилий ресурс ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак сайловга бағишланган тадқиқотларнинг барча босқичларида 7800 нафардан ортиқ ўзбекистонликлар иштирок этди.

"Ижтимоий фикр" РЖФЎМ томонидан ўтказилган комплекс тадқиқотлар натижалари сўнгги йилларда Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлат ва жамият ишларини бошқаришда, давлат ҳокимиятининг асосий — мамлакат Президенти — институтини демократик тамойиллар асосида, амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ва умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўлиқ мос равишда шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини тасдиқламоқда.

Ўтказилган жамоатчилик фикри сўровларининг натижалари шундан далолат берадики, ўзбекистонликларнинг мутлақ кўпчилиги Президент сайловини мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа, деб ҳисоблайди ва овоз беришда иштирок этиш зарурлигини англайди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак сайлов ва унинг ўтказилиш санаси ҳақида хабардорликнинг юқори даражасини намоён этмоқда.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётга ва умуман сиёсатга бўлган қизиқиш сиёсий билимни шакллантириш, муайян сиёсий мойилликлар ва йўналишларни онгли равишда танлаш ҳамда Президентликка бўлажак сайловларда иштирок этишга замин яратувчи асосий тавсифи ҳисобланади.

Электорал тадқиқотлар натижалари мониторинги шуни кўрсатдики, Президентликка бўлажак сайлов фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига интеграциялашуви даражасини оширишга хизмат қилади, Президент сайловини ўтказиш санаси яқинлашгани сайин мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётига қизиқиш билдираётган фуқаролар сони ортиб бормоқда ҳамда мамлакатда ушбу соҳада содир бўлаётган ўзгаришларни кузатиб бормаётган респондентлар фоизи камаймоқда.

Жамоатчилик фикри сўрови давомида Ўзбекистон Президентлигига бўлажак сайловда иштирок этишга аҳоли тайёрлигининг юқори даражаси аниқланди. Ўзбекистонликларнинг кўпчилиги шахсан таъкидлашларича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бўлажак сайловида иштирок этишга тайёр.

Ўтказилган сўров натижалари мамлакат Президенти сайлови бўйича сайловолди кампаниясининг бориши ҳақида мамлакат фуқаролари маълумот оладиган энг оммабоп оммавий ахборот воситалари рейтингини тузиш имконини берди.

Сўровда иштирок этган фуқароларнинг кўпчилиги учун давлат телевидениеси сайлов кампаниясининг бориши ҳақидаги ахборотнинг энг оммабоп манбаси ҳисобланади.

Оммабоплик бўйича иккинчи ўринда Интернет туради, сўровлар натижаларига кўра, аҳолининг каттагина қисми мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва сайлов кампаниясининг бориши ҳақидаги маълумотларни Интернет орқали олади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кундалик турмушда мамлакат ички ҳаёти ҳақида маълумот олиш мақсадида Интернетдан фойдаланувчи респондентларнинг аксарияти учун "uz" домени энг оммабоп интернет-домен ҳисобланади. Респондентларнинг таъкидлашларича, "uz" доменларининг интернет нашрлари ва янгиликлар сайтлари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида энг тўлиқ, тезкор ва холис ахборотни тақдим этади.

Ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсатганидек, жамоатчилик фикрида мамлакат Президентлигига бўлажак сайловларнинг муҳимлигини ва фуқароларнинг овоз беришда шахсан иштирок этиши зарурлигини англаб етиш устуворлик қилмоқда. Бевосита юзма-юз усулдаги сўров иштирокчилари бўлган 89,2% фуқаролар ва телефон сўровининг 87,4% иштирокчилари фикрига кўра, Президент сайловида овоз беришда иштирок этиш ўзбекистонликлар учун мамлакат, жамият, ҳар бир фуқаро ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа ҳисобланади ва улар демократик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳаётнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва эркинлаштириш, Ўзбекистон халқининг фаровонлигини ошириш жараёнларини ушбу воқеа билан боғламоқдалар.

Умуман олганда, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови — 2021" мавзусидаги жамоатчилик фикри комплекс сўровларининг натижалари фуқароларнинг ижобий ижтимоий кайфиятлари юқори даражадалиги ва ўзбекистонликларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга тайёрлигини аниқлаб берди.

"Ижтимоий фикр" РЖФЎМ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича ўтказилган жамоатчилик фикри сўровлари мамлакат Президентлигига бўлажак сайловда аҳолининг юқори электорал фаоллик намойиш этишини прогноз қилиш имконини беради. Чунки тадқиқотларнинг барча босқичлари якунланаётган вақтда аксарият ўзбекистонликлар 2021 йил 24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак сайловда иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

**"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлади.**

---

# муносабатлар




Шу сабабли биринчи инстанция судининг 2020 йил 8 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар "Grand Osiyo" масъулияти чекланган жамиятининг даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган. Апелляция инстанцияси судининг 2020 йил 26 ноябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Айтиш жоизки, мазкур Фармонга асосан электрон онлайн аукционда сотувга қўйилган мол-мулк аукцион ғолибига қарзларсиз ва тақиқлардан ечилган ҳолда топширилишига оид қоиданинг белгиланиши хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, 2022 йил 1 январдан:

1) шартноманинг тарафи иккинчи тарафдан шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажаришини қабул қилган ёхуд шартноманинг амал қилишини бошқача тарзда тасдиқлаганда, ушбу шартномани кейинчалик ҳақиқий эмас, деб топишни талаб қилишга, агар бундай талаб ҳалоллик принципига зид бўлса, ҳақли эмас;

2) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланади. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар — ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади;

3) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ ва божхона тўловлари бўйича қарздорлик тўланмаганда, солиқ ёки божхона органлари банкка тўловчининг ҳисобварақларидаги қарздорлик суммасига тенг миқдордаги пул маблағларини музлатиб қўйиш ва уларни ўттиз календарь кунидан сўнг ундириш тўғрисидаги фармойишни тўловчини хабардор қилган ҳолда юборади.

Хабарнома олинган пайтдан бошлаб ўттиз календарь кун ичида тўловчи томонидан ушбу фармойиш устидан судга шикоят қилинган тақдирда, мижознинг ҳисобварағидан пул маблағларини чиқариш ёки чиқармаслик суднинг қарорига мувофиқ амалга оширилади;

4) коммунал соҳа, электр энергияси билан таъминлаш, алоқа хизмати, йўловчи ва юкларни ташиш ва бошқа шу каби катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқилган оммавий шартномалар монополияга қарши курашиш органи билан келишилганидан сўнг истеъмолчилар билан тузилади.

***Тўртинчидан,*** намунавий шартномаларни қонуности ҳужжатлар билан тасдиқлаш амалиёти бекор қилинди. Қонун билан тўғридан-тўғри тарафлар учун мажбурий бўлган намунавий шартномалар тасдиқланиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қолаверса, эндиликда шартномалар намуналари "yurxizmat.uz" махсус ахборот порталига жойлаштириб борилиши ҳам белгилаб қўйилди.

***Бешинчидан,*** электрон савдо майдончалари орқали маҳсулотлар олди-сотди қилинганда ва бошқа битимлар тузишда эскроу тизими жорий этилади.

Эскроу хизмати (шартли сақлаш) — бу молиявий битим бўлиб, унда учинчи томон келишувда (операцияда) қатнашувчи икки томон учун зарур бўлган тўлов маблағларини, келишув тўлиқ амалга ошгунига қадар, ўзида сақлаш ва бошқаришни ўз зиммасига олади.

Бу ўз навбатида, мабағларни шартли сақлаш ҳисоб рақамида ушлаб туриш орқали, келишувни (транзакцияларни) янада хавфсиз бўлишига имкон яратади. Тўлов ишончли компаниянинг назорати остида фақат шартноманинг барча шартлари бажарилганда очиладиган хавфсиз ҳисоб рақамида сақланади.

Эскроунинг асосий мақсади — товар олувчига товарнинг етиб келишини, товар сотувчига маблағлар келиб тушишини таъминлашдан иборат. Эскроунинг ўрни битимни амалга оширишдаги воситачи сифатида намоён бўлади. Келишув бўйича барча мажбуриятлар амалга ошириб бўлингач, эскроу хизматини амалга оширувчи пул маблағларини товар етказиб берувчи ҳисобига кўчиради.

Шу нуқтаи назардан, айтиш мумкинки, қабул қилинган мазкур ҳужжат хусусий мулкни хуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилгандир. Янада муҳими, буларнинг барчаси ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишидан далолат беради.

**Қосим АВЕЗОВ,**
*Тошкент вилояти судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси*

*Эътироф*

# Ғурур-ифтихоримиз тимсоли

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бугунги кунда мамлакатимизда 150 та миллий маданий марказ иш юритаётгани, ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаётгани, мактабларимизда таълим-тарбия жараёни 7 та тилда олиб борилаётгани дунё амалиётидаги ноёб тажриба эканини таъкидлаш ўринлидир.

Юртимизда чет тилларга ихтисослашган ҳамда ўқув машғулотлари хорижий тилларда ўтиладиган таълим масканлари сони ортиб бораётгани ҳам шу соҳадаги муҳим ўзгаришлар натижасидир.

Маълумки, давлат тили сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда халқни бирлаштирувчи қудратли восита саналади. Она тилимиз сўзлашувчилар сони кўплигига кўра, сайёрамизда энг кенг тарқалган 40 та тилдан бири экани ҳам қувонарлидир. Ҳозирги вақтда ер юзида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этиши эса, унинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқлар каби она тилимиз қадри ва нуфузини янада ошириш борасидаги сиёсат ва амалий ишлар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Буни ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва обрў-эътиборини тубдан ошириш бўйича қабул қилинган тарихий фармон ва қарорлар самаралари яққол тасдиқлайди.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси таркибида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳамда Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таркибида амалий филология ва компьютер лингвистикаси бўйича янги йўналишлар очилган. Университет қошида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази, 6 та махсус ўқув курси ҳамда Алишер Навоий халқаро жамғармаси ташкил этилган.





Ўтган қисқа даврда ўзбек тилини чуқур ўрганиш ва ўргатишга хизмат қиладиган 16 та китоб, жумладан, 9 та луғат нашр қилинди. Шунингдек, чет эл фуқаролари ва юртдошларимизга ўзбек тилини ўргатадиган онлайн платформа, ўзбек тили изоҳли луғатининг мобиль иловаси, хориждаги ватандошларимиз учун махсус веб-сайт яратилган.

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлгани Ташкилот доирасида иқтисодий алоқаларни кучайтириш билан бирга, туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз ташаббуси билан мазкур ташкилотнинг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилди.

Хулоса қилиб айтганда, она тили миллатнинг руҳи, борлигимиз ва бирлигимиз, давлат тимсоли эканини эътиборга олган ҳолда, уни асраш ва ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи ҳисобланади. Бинобарин, ўзбек тилини янада ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида олдимизда катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Янги Ўзбекистонда ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлашга қаратилган янгидан-янги ташаббуслар илгари сурилаётгани жуда муҳим.

Янада муҳими, бу борадаги саъй-ҳаракатлар, бир томондан, ушбу соҳада тўпланиб қолган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Иккинчи томондан, янгича ташаббуслар мамлакатимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятли вазифаларнинг самарали ижроси учун ниҳоятда зарур.

**Ғулом МИРЗО,**
*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист*

*Машҳур ёзувчилар ғаройиб феъл-атвор ва одатларга эга бўлишган. Шу боис уларнинг асарларидан ташқари ҳаёти ҳам кўпчилик учун жуда қизиқарли. Қуйида ана шундай ажабтовур воқеаларнинг айримлари ҳавола этилмоқда.*

*Ғаройиб дунё*

# Ёзувчининг сирли ҳаёти

***Манзили кўрсатил(ма)-ган хатлар***

Ёзувчи Виктор Гюго умрининг сўнгги йилларида Парижда — ҳали ҳаётлик чоғидаёқ ўзининг номи билан аталган кўчадаги уйида яшаган. У хатда манзилини қайд этар экан, "Жаноб Виктор Гюго, унинг Париждаги авенюси", деб ёзиб қўйган.

***Ўз асари ҳақидаги иншо***

Ёзувчи Валентин Катаевнинг набираси дугонаси билан боғлиқ қизиқ воқеани айтиб берган. Гап шундаки, дугонасига адабиёт дарсидан "Катаевнинг "Полк ўғли" қиссаси қаҳрамони Ваня образига ёзувчи қандай мақсад юклаган?" деган мавзуда иншо ёзиш топширилган бўлади. У Катаевлар хонадонига меҳмонга келади ва бу ҳақда муаллифнинг ўзидан сўраб олиб, иншо ёзади. Бироқ ёзма ишига "-3" баҳо олади, ўқитувчиси "Ёзувчи мутлақо бошқа мақсадни кўзлаган", деб изоҳ ёзиб қўйган бўлади.

***Энг қисқа ёзишма***

Виктор Гюго 1862 йили таътилда дам олаётган чоғи яқиндагина чоп этилган "Хўрланганлар" романига китобхонларнинг муносабатини билгиси келади ва ўзноширига фақат "?" белгисидан иборат телеграмма жўнатади. Ношир ҳам жавоб тариқасида битта "!" белгисидан иборат телеграмма йўллайди. Шубҳасиз, бу тарихдаги энг қисқа ёзишма эди.

***Фойдасиз маслаҳат***

Жоан Роулинг "Гарри Поттер ва фалсафий тош" китобини 1995 йили ёзиб тугаллайди. Адабий агенти асарни 12 та нашриётга жўнатади ва барчасидан рад жавобини олади. Орадан бир йил ўтгачгина, қўлёзмани Лондондаги "Bloomsbury" номли кичик нашриёт қабул қилади. Гарчи китоб чоп этишга тайёрланган бўлса-да, бош муҳаррир ёзувчининг болалар адабиётида муваффақият қозонишига ишонмасдан, келажакда бошқа иш билан шуғулланишни маслаҳат беради.

***"Робот" яратган ёзувчи***

"Робот" иборасини чех ёзувчиси Карел Чапек муомалага киритган. У пьесасида одамсифат механизмларни дастлаб "лабор" деб атайди-ю (лотинчада "labor" — иш), аммо бу сўз ўзига ёқинқирамайди. Шунда укаси Йозефнинг маслаҳати билан "робот" деб ўзгартиради. Ушбу атамага асос бўлган "robota" сўзи чех тилида шунчаки ишни эмас, ниҳоятда заҳматли меҳнатни билдиради.

***Режиссёр танлаш услуби***

Америкалик машҳур ёзувчи Стивен Кинг бошловчи режиссёрлар ва талабаларга асарларини рамзий 1 доллар ҳақ эвазига экранлаштириш имконини берган. Бироқ фильмларни тарқатиш ҳуқуқи тўлалигича адибда қолади, улардан тижорий мақсадларда фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Ана шундай бошловчи режиссёрлардан бири Френк Дарабонт эди. У йигирма ёшида "Палатадаги аёл" асари асосида қисқа метражли фильм суратга олади. Ёндашув Стивен Кингга маъқул тушади ва бунинг натижасида "Шоушенкдан қочиш", "Яшил миля" ва "Туман" асарлари айнан шу режиссёр талқинида экран юзини кўради.

***Ижодда ҳам хизматкорлар бўлар экан-да!***

Александр Дюма асар ёзишда ёрдамчилардан унумли фойдаланган. Улар орасида Огюст Маке анча машҳур эди. Дюманинг таниқли биографи, ёзувчи Клод Шопп гувоҳлик беришича, айнан Огюст Маке "Граф Монте Кристо" асари сюжетини ўйлаб топган ва "Уч мушкетёр" асари шаклланишига катта ҳисса қўшган. Аммо Дюманинг иқтидорини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Гарчи баъзи асарлари ёрдамчиларининг қўлёзмаларидан ўсиб чиққан бўлса-да, ёрқин деталлар ва ҳаётий диалоглар ёзувчи истеъдодининг маҳсули эди.



***Номдаги хатолик***

Атоқли фантаст ёзувчи Рэй Брэдбери янги романига "Фаренгейт бўйича 451 даража" деган ном қўяди. Асар мазмун-мундарижасидан келиб чиқиб шундай ном танланганди. Чунки шу ҳароратда қоғоз ўз-ўзидан ёниб кетади. Бироқ қоғоз фаренгейт эмас, цельсий бўйича 450 даражадан сал ошиқроқ ҳароратда оловланади. Адиб ном қўйишда ўт ўчириш хизмати ходими билан маслаҳатлашган ва у ҳарорат кўрсаткичларини чалкаштиргани учун ёзувчи ҳам хатога йўл қўйган.

***Пушкин ва "Ревизор"***

Машҳур рус ёзувчиси Гоголнинг "Ревизор" пьесасига асос бўлган воқеа Россиянинг Новгород губерниясидаги Устюжна шаҳрида бўлиб ўтган. Бу ҳақда муаллифга Пушкин айтиб берган ва асар ёзилишига сабабчи бўлган. Гогол "Ревизор"ни ташлаб қўйган пайтларда ҳам айнан Пушкин тугаллашга ундаган.

***Шерлок Холмс ҳақидаги асарлар***

Бу машҳур изқувар ҳақидаги ҳикояларнинг муаллифи Артур Конан Дойл эканини билмайдиган одам кам топилади. Шерлок Холмс образи жуда кўп ёзувчиларга таъсир кўрсатган. Натижада у ҳақида бошқа муаллифлар ҳам асарлар ёзган. Бундай муаллифлар ичида ёзувчининг ўғли Адриан Конан Дойл, Марк Твен, Стивен Кинг, Айзек Азимов, Нил Гейман сингари таниқли адиблар ҳам бор.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

*Жиноят ва жазо*

# СОХТА ХАБАРЛАР

## фирибгарнинг ҳийласи бўлиб чиқди

***ҚИММАТГА ТУШГАН СИР***

Нуроталик Шаҳрибону Шокирова (исм-шарифлар ўзгартирилган) Навоий шаҳрига бориш учун такси қидираётганда ёнига "Лада ларгус" русумли автомашина келиб тўхтади. Ўзини Шоира деб таништирган автомашина соҳибаси билан йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетишди. Шаҳрибону гап орасида қирқ уч ёшга кирган бўлса-да, ҳали турмушга чиқмагани, қишлоқда кекса онаси билан ёлғиз яшашини айтганида, бу соддадиллиги ўзига жуда қимматга тушишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Гап шундаки, ўтган йилнинг октябрь ойида Шаҳрибону яна вилоят марказига йўл олади. Бу гал ҳам Шоирага дуч келади. Йўлдаги ўзаро суҳбат давомида Шоира унга Навоий шаҳрида яшовчи Насриддин исмли танишига турмушга чиқишни таклиф қилади.

Шоира Насриддиннинг тақводор ҳожи экани, бой-бадавлатлиги, Навоий ва Тошкент шаҳарларида уйлари, вилоятда кўплаб дўконлари борлиги, қўшни Қозоғистондан кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишини оғзидан бол томиб таъриф-тавсиф қилади.

— Тунов куни сиз ҳақингизда Насриддин акага айтгандим, қизиқиб қолди, — дейди у. — Мана, телефон рақами ёзилган қоғозни олиб қўйинг, ўзи сизга қўнғироқ қилади...

***ЭЛЕКТРОН ХАБАР***

Орадан кўп кун ўтмай Шаҳрибонунинг қўл телефонига Насриддиндан электрон хабар келиб тушди.

Шаҳрибонунинг кўнглида умид ва илинж уйғонди. "Яхши одам бўлса, бахтим очилиб кетар, "ўтирган қиз ўрнини топар" дейишган-ку", деган фикрни хаёлидан ўтказгач, Насриддинга нисбатан ишончи ортди. Шундан сўнг Насриддин деганлари ҳам ҳар икки-уч кунда хабар жўнатишни канда қилмай қўйди. Шаҳрибону бора-бора уларни орзиқиб кутадиган бўлди. Шундай кунларнинг бирида Шоира қўнғироқ қилиб, кўнглида уйғонган умид учқунларини янада алангалатиб юборди. "Тошкентга борамиз, — деди у. — Насриддин ака учрашувга келинглар, Шаҳрибону билан танишайлик деб қўнғироқ қилди".

Шундан сўнг иккови пойтахтга йўл олишади. Бироқ бахтга қарши Насриддин билан учрашишнинг иложи бўлмайди. Тижорат сафари билан Қозоғистонга кетган Насриддин ушланиб қолгани учун танишув ортга сурилади. Орадан бир ҳафта ўтгач, бу ҳол яна такрорланади.

Бу Шаҳрибонуда шубҳа уйғотгани сабабли Насриддиндан ҳафсаласи пир бўлади.

***ЯНГИ ТУЗОҚ***

Шу йилнинг январь ойи бошида Шоира кутилмаганда яна Шаҳрибонуни йўқлаб қолди. Насриддин паспортини йўқотгани, шу сабабли телефонига сим карта сотиб ололмаётганини айтиб, Шаҳрибонунинг номига иккита телефон рақами сотиб олдиради. Шундан сўнг Шаҳрибону ўзи олиб берган сим карта орқали Насриддин билан электрон шаклда мулоқот қилиб туради.

Ўн тўртинчи январь куни Шоира Шаҳрибонуникига келиб, "Ватан ҳимоячилари куни"га Насриддинга совға олиб беришни сўрайди. Шунда Шаҳрибону "У одамни кўрмаган бўлсам, қандай қилиб совға бераман", дея ҳайрон бўлади. Шоиранинг "Насриддин 8 март куни сенга ҳам совға қилади", деган гапини эшитгач, эркаклар атирини сотиб олиш учун Шоирага 200 минг сўм беради.

Орадан ўн кун ўтгач, Шоира яна Шаҳрибонуга учрашиб, Насриддинга четдан товар олиб келиш учун озроқ пул кераклигини маълум қилиб, унга ёрдам бериш зарурлигини айтади. Шоира уни шундай аврайдики, бунга лаққа ишонган Шаҳрибону бир бош ҳўкизини сотиб, 2 миллион 300 минг сўмни берворади. Бир ҳафтадан сўнг Шоира яна пул сўраб келади. Шаҳрибону пули йўқлигини айтади. Шунда Шоиранинг "Агар ҳозир пул топиб бермасанг, Насриддиннинг сенга бўлган ишончи йўқолади, оила қурганингдан кейин бутун бойлигини қўлингга топширмоқчи" деганини эшитгач, акасидан 2 миллион 400 минг сўм қарз олади ва уни Шоирага беради. Бироқ бу билан ҳам Шоиранинг талаби тўхтамайди.

Шаҳрибону январь ойининг охирида икки бош сигирини 10 миллион сўмга сотиб, пулини Шоирага тутқазишга мажбур бўлади.



***КЕЧИККАН АҚЛ***

Шоира катта миқдордаги маблағни қўлга киритгач, Шаҳрибону билан алоқани бутунлай узади. Қолаверса, Насриддин ҳам электрон хабар ёзишни тўхтатади. Умидлари чиппакка чиққач, Шаҳрибону Шоирага қўнғироқ қилиб, пулни қайтаришни сўрайди. Шоира Насриддин опасининг юрагини даволатиш ташвиши билан юрганини айтиб, уни аврашга тушади. Кунларнинг бирида нотаниш киши Шаҳрибонуга қўнғироқ қилиб, ўзини Насриддинман дея таништиради ва "Пулингни мен олганман, Шоира ўртадаги почтачи эди. Пулинг бахтингдан устунми, уч-тўрт кунда қайтараман, опамни уйингга совчиликка юбораман", дейди.

Вақт шу зайлда ўтиб борар, аммо пулдан ҳам, совчилардан ҳам дарак йўқ эди. Шунда Шоира Насриддиннинг опаси жарроҳлик амалиётидан сўнг вафот этгани учун хайрли иш орқага сурилаётганини маълум қилади.

Шундан кейингина Шаҳрибонунинг кўнглида темир ҳалқадек бир-бирига боғланиб кетаётган воқеаларга нисбатан шубҳа уйғонади. У мобиль алоқа компаниясида ўзининг номига олиб берган телефон рақамининг кириш-чиқиш қўнғироқлари рўйхатини олганда, ушбу телефон рақамидан фақат ўзига таниш бўлган кишиларга ҳам қўнғироқлар бўлганидан хабар топади. Шоира бу рақамни ўзи ишлатиб, Шаҳрибонуни алдаб юргани, Насриддин исмли шахс аслида бўлмагани, қўнғироқ қилган киши бошқа экани ойдинлашади. Кечикиб бўлса-да, ақл-ҳушини йиғиб олган Шаҳрибону ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат этади.

Суриштирув ва тергов чоғида Шоира Мирзаолимова турмушга чиқиш истагида юрган Ш.Шокировани аслида мавжуд бўлмаган Насриддин исмли танишига турмушга чиқишини таклиф қилиб, алдов йўли билан унинг 14 миллион 700 минг сўмини қўлга киритгани аниқланади.

***ЖАЗОНИНГ МУҚАРРАРЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ***

Яқинда бўлиб ўтган суд мажлисида Шоира Мирзаолимова айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлик билдирди. Етказилган моддий зарарни қоплагани, айни пайтда ҳомиладор эканини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд Шоира Мирзаолимовага нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, аёллиги ва ҳомиладорлиги, етказилган зарарни қоплагани, шунингдек, жабрланувчининг даъвоси борлигини эътиборга олган ҳолда унга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, алдов ва фирибгарликнинг умри қисқа. Чунки ўзганинг мулки ҳеч қачон бошқага буюрмади. Қолаверса, ортиқча ишонувчанлик ҳам инсонга наф келтирмайди. Баён этилган воқеа тафсилотлари бунинг исботидир.

**Суюн БЎТАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Хатирчи тумани суди раиси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Куч — адолатда**

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1015 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4539
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23⁰⁰. Топширилди: 2³⁰.